

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Ҳ У К М

2021 йил октябрь ойининг 15 куни жиноят ишлари бўйича Қўқон шаҳар судининг очиқ суд мажлиси ўз биносида, видеоконференцалоқа режимида бўлиб, судья Қ.Абдуллаевнинг раислигида, судья ёрдамчиси Л.А. ва М.Ф.ларнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Қўқон шаҳар прокурори ёрдамчиси Ғ.Рўзиев, судланувчи С.Мазаидов ва унинг ҳимоячилари адвокат Б.Каримов ва адвокат Р.Абидов, жабрланувчи Р.Султоновнинг иштирокида судланувчи Мазаидов Сардор Батировичга оид 1-1503-2102/744-сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

Мазаидов Сардор Батирович (Mazaidov Sardor Batirovich), 1988 йил 26 февралда Қўқон шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, тадбиркор, оилали, 3 нафар фарзанди бор, муқаддам судланмаган, 2021 йил 15 июлдан қамоқда сақланаётган, айблов хулосаси нусхасини 2021 йил 31 июль куни олган,

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 168-моддаси 4-қисми “а” банди билан айбланган.

Суд, судланувчи, жабрланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувларини эшитиб, жиноят ишида мавжуд далилларни текшириб, тарафларни музокараси ва судланувчининг охириги сўзини тинглаб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Мазаидов Сардор Батирович ўзганинг жуда кўп миқдордаги мулкани алдаш ва ишончни суистеъмол қилиш йўли билан қўлга киритиш мақсадида, таниши Султонов Рамзхон Ахмаджон ўғлининг ишончига кириб, унга темир олди-сотдиси билан шуғулланаётганини, Ангрен шаҳрида арзон нархда темир маҳсулотлари сотадиган танишлари борлигини, ўша танишларидан кўп миқдорда темир маҳсулотларини олиб келиб бериши мумкинлигини айтиб, алдаб, 2019 йил сентябрь ойи бошларида Қўқон шаҳар Бобокарвон кўчаси 5А-уйининг олдида Р.Султоновдан 7.500 АҚШ доллари (70.348.275 сўм) миқдордаги пул маблағларини, шунингдек, 2019 йил октябрь ойида 8.000 АҚШ доллари (75.588.240 сўм) миқдоридаги пул маблағларини, шунингдек, 2020 йил январь ойида 3.000 АҚШ доллари (28.522.680 сўм) миқдоридаги пул маблағларини жами ўзганинг жуда кўп миқдордаги 18.500 АҚШ доллари қийматидаги 174.495.165 сўм пул маблағларини фирибгарлик йўли билан қўлга киритиб, шахсий эҳтиёжлари учун ишлатиб юборган.

Юқоридагиларга асосан ва Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 463, 465 - 468, 471-473- моддаларига амал қилиб, суд

Ҳ У К М Қ И Л Д И:



Мазаидов Сардор Батирович (Mazaidov Sardor Batirovich), Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 168-моддаси 4-қисми “а” бандида назарда тутилган жиноятни содир этишда айбли деб топилсин.

С.Мазаидовга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 4-қисми “а” банди билан 8 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Жазо умумий тартибли колонияларда ўтатирилсин.

Жазони ўташ 2021 йил 15 июль кунидан бошлаб ҳисоблансин.

Судланувчи С.Мазаидовдан жабрланувчи Р.Султонов фойдасига 18500 АҚШ долларининг ҳукм чиқарилган кундаги қиймати 198 146 655 сўм ундирилсин.

Ашёвий далил 2 дона тилхат ва фотосуратлар, 19 сонияли видео, 3 дона аудиоёзувлар жиноят ишида сақлансин.

С.Мазаидовга қўлланган қамоққа олиш эҳтиёт чораси ўзгаришсиз қолдирилсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб йигирма сутка ичида, маҳкум ва жабрланувчи ҳукм нусхасини олгандан сўнг шу муддат ичида Фарғона вилоят судига апелляция тартибида шикоят беришлари ёки протест келтиришлари мумкин.

Раислик қилувчи:

Қ.Абдуллаев

Аслига тўғри, судья:

Қ.Абдуллаев

